

## Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирининг МУРОЖААТИ

Хурматли ҳамкасблар ва ҳамкорлар!

Коррупция муаммоси сўнгги йилларда жаҳон миқёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда давлат ва жамият курилишининг барча соҳаларида, шу жумладан саноат объектларида коррупцион омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Ушбу йўналишда 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-5729**-сонли ва 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6013**-сонли Фармонлари ҳамда 2021 йил 6 июлдаги **ПҚ-5177**-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва бир қатор бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳисса қўшди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Кон-геология вазирлигида коррупцияга қарши Ички назорат бўлими ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси – тизимдаги коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирликнинг барча ходимлари ўртасида тушунтириш-профлактик ишларини олиб бориш, коррупция хавфи мавжуд бўлган ҳолларда уни бартараф қилишдан иборат.

Шу билан бирга, Вазирликда коррупцияга қарши курашишга қаратилган ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар, жумладан “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати” каби 10 дан ортиқ нормалар қабул қилинди.

Геология ва кончилик соҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, кадрларни танлашда коррупциявий омилларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш амалиётига тизимли превентив чораларни кучайтириш ва мазкур соҳадаги билимларни узлуксиз ошириш мақсадида ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаблари босқичма-босқич амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, Кон-геология вазирлиги ўз амалиётида коррупциянинг ҳеч қандай шакл ва кўринишларда қабул қилмайди, жамиятда

коррупцияга нисбатан мурасасизликнинг шаклланишига ҳисса қўшади. Ҳар доим ўзининг барча мажбуриятларини садоқат билан бажаради, қонунчиликка қатъий амал қилади, тенг рақобат тамойилларига ва ҳалоллик, очиқлик ҳамда корпоратив маданиятни қуришга алоҳида эътибор беради.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”** деган чақириғи бизнинг ҳаётий шиоримизга айланиши лозим.

Шундай экан, Вазирлик тизимидаги ҳар бир корхона раҳбарлари ва ходимлари коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва унга чек қўйиш учун масъул эканликларини англаб етишлари зарур.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ўз навбатида, коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ҳар доим ўз зиммасига олган мажбуриятларини виждонан бажаради ва қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимиз ва ҳамкорларимизни иш юритиш стандартларига ҳамда коррупцияга қарши тамойилларга риоя қилишга, эҳтимолий қонунбузарликлар ҳақида хабар беришга ва шубҳа туғилган тақдирда, бизга ўз мурожаатларини юборишга яна бир бор чорлаб қоламиз.

Ҳурмат билан,

**Б. ИСЛАМОВ,**

**Тоғ-кон саноати ва геология вазири.**